

## “ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”

“Ориент Финанс” ХАТБ  
Комплаенс-назорат  
Бошқармаси  
2023 йил “15” март

## “ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ориент Финанс” ХАТБ  
Кузатув Кенгашининг  
2023 йил “30” мартдаги  
37- сонли баённомаси

# “ОРИЕНТ ФИНАНС” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ (ЯНГИ ТАҲРИР)

## МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар.
2. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш.
3. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби.
4. Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини бартараф этиш чоралари.
5. Якуний қоидалар.

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Услубиёт “Ориент Финанс” Хусусий акциядорлик тижорат банкининг (бундан буён матнда “Банк” деб юритилади) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1.2. Банкнинг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Банкнинг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функцияларини ҳамда лавозимларни аниқлаш;
- коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

1.3. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш қуйидагиларнинг ишлаб чиқилишини назарда тутди:

- коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;
- коррупцияни олдини олиш бўйича дастур (мақсадлар);

1.4. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**коррупциявий хавф-хатар** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

**коррупциявий хавф-хатарлар харитаси** – Банк фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (бизнес ёки операцион жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари, қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси, коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш чораларини амалга оширишга масъул ижрочиларни ўз ичига олган ҳужжат;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** – Банкнинг фаолиятини (вазифа ва функцияларини) таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

**қолдиқ хавф-хатар** – аниқланган коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;

**махсус бўлинма** – Бош Банкдаги коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (Комплаенс-назорат бошқармаси, Комплаенс-назорат бошқармасининг коррупцияга қарши комплаенс-назорат бўйича филиаллардаги ва Амалиёт бошқармасидаги маъсул ходимлари);

**ишчи гуруҳ** – Банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун тузиладиган ходимлар таркиби.

1.5. Банк томонидан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилда бир марта кейинги йилнинг 1-чораги давомида амалга оширилади.

## **2. КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

2.1. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Банк тизимида кирувчи таркибий ва алоҳида бўлинмаларни қамраб олиши лозим. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш махсус бўлинма томонидан амалга оширилади. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишчи гуруҳ томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда, ишчи гуруҳ аъзолари Банкнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ташкил этилади, Банкнинг Раиси томонидан ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланади ҳамда унинг фаолияти мувофиқлаштирилади.

2.2. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

- коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

- Банкнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш;

- Банкнинг коррупцияни олдини олиш бўйича дастури (мақсадлари) лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- Банкнинг алоҳида ва таркибий бўлинмалари (департаментлар, бошқармалар, филиаллар ва Амалиёт бошқармаси, шунингдек банк хизматлари офислари) томонидан аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларни Банкнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритиш масаласини кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Банк раҳбарияти томонидан берилган таклиф ҳамда кўрсатмалар асосида Банкнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияни олдини олиш бўйича дастур (мақсадлар) лойиҳасини такомиллаштириш.

2.3. Банкнинг алоҳида ва таркибий бўлинмалари коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишларида иштирок этадилар ҳамда Банкнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва Банкнинг коррупцияни олдини олиш

бўйича дастурини (мақсадларини) ўз йўналишлари доирасида маъқуллаб имзолайдилар.

### **3. КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ ТАРТИБИ**

3.1. Банк фаолиятидаги (вазифа ва функциялардаги) коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади.

3.2. Ички ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

- Банк фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) ҳуқуқий асоси;
- ички текширув материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

- Банкнинг барча филиалларида, шу жумладан Банк хизматлари офисларида банк ходимларининг коррупцион ҳатти-ҳаракатларини мавжуд ёки мавжуд эмаслигини мижозлар томонидан эркин билдиришлари учун ўтказилган аноним сўровлар натижалари;

- коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари ва бошқа манбалар.

3.3. Ташқи ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

- Банк фаолияти тўғрисидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар, банк ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлари ҳақида жисмоний ва юридик шахслар томонидан оғзаки, ёзма, электрон почта ёки телефон орқали қилган мурожаатлар натижалари;

- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат ташкилотлари томонидан Банк фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган текширувлари (мониторинглар) натижалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқа манбалар.

3.4. Махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) Банкнинг фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қуйидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим:

- Банкнинг ходими томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;
- Банк томонидан фаолиятини (вазифа ва функцияларини) амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;
- ўз вақтида қарор қабул қилмаслик, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;

- ҳужжатлар, электрон маълумотлар базаларига била туриб ёлғон маълумотларнинг киритилиши;

- Банк ходимларини хизмат ваколатларини амалга оширишларида манфаатлар тўқнашуви;

- ваколатларни амалга оширишда маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғ-аймоқчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

3.5. Банк фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қуйидаги ўлчовларда баҳоланади:

- паст;
- ўрта;
- юқори.

3.6. Махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) томонидан коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо беришда мазкур Услубиётнинг 1-иловасида кўрсатилган мезонлардан ва илғор дунё тажрибасидан фойдаланилади.

#### **4. КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ ДАРАЖАСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ**

4.1. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- Банк фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларини кўриш;

- Банк томонидан амалга оширилаётган харидларни шаффофлигини таъминлаш;

- инсон омилини қисқартириш ва Банк фаолиятини (вазифа ва функцияларини) рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, Банк мижозлари ва ҳамкорларини фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиш;

- Банк ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

- банк хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асоссиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

- Банкнинг локал ахборот тармоқларидан фойдаланган холда банкнинг ходимлари билан тезкор алоқаларни йўлга қўйиш орқали коррупцияга қарши курашиш борасида қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар тўғрисида ходимларни хабардор қилиб бориш, коррупцияга қарши муросасиз муносабатни тарғибот ва ташвиқот қилиш ишларини ўтказиш;

- Банк ходимларининг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички меъёрий ҳужжатларга риоя қилишлари шартлигига эътиборларини қаратиш;

- Банк коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4.2. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича мазкур Услубиётнинг 4.1.-бандида белгиланган чоралардан келиб чиқиб, қолдиқ хавф-хатар даражасини баҳолаш ушбу Услубиётнинг 1-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

4.3. Махсус бўлинма (ишчи гуруҳи) томонидан мазкур Услубиётнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Банкнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда мазкур Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда Банкда коррупцияни олдини олиш бўйича Дастури (Мақсадлари) ишлаб чиқилади.

4.4. Банк бош офиси махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) сўрови асосида, Банкнинг таркибий ва алоҳида бўлинмалари (департаментлар, бошқармалар, филиаллар ва Амалиёт бошқармаси, шунингдек банк хизматлари офислари) томонидан ўз йўналишлари доирасида ушбу Услубиётнинг 2-иловасига мувофиқ

шаклда Коррупциявий хавф-хатарлар хариталар ишлаб чиқилади ва махсус бўлинмага (ишчи гуруҳига) кўриб чиқиш ва умумлаштириш учун тақдим қилинади.

4.5. Махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) томонидан Банк фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари асосида Банкнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва Банкнинг коррупцияни олдини олиш бўйича дастури (мақсадлари) ишлаб чиқилади ва Банк Кузатув кенгаши Раиси томонидан тасдиқланади.

## **5. ЯКУНИЙ ҚОИДА**

5.1. Ушбу ҳужжат Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган ва Юридик хизмат департаменти Методология ва ҳуқуқий таъминот бўлимида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

5.2. Ушбу Услубиёт кучга кириши муносабати билан, Банк Бошқарувининг 2022 йил 28 июндаги 68-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Ориент Финанс” Хусусий акциядорлик тижорат банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

5.3. Мазкур Услубиётнинг асл нусхаси Юридик хизмат департаменти Методология ва ҳуқуқий таъминот бўлимида сақланади ва нусхалари тақдим этилиши назорати амалга оширилади.

5.4. Агар мазкур Услубиётнинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва/ёки Банк Уставига зид келиб қолса, бундай қоидалар ўз кучини йўқотади ва мазкур вақтдан бошлаб ушбу Кодексга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Банк Уставига риоя қилинади.

5.5. Ушбу ҳужжатни қайта кўриб чиқиш, ўзгартиришлар киритиш, ўз кучини йўқотган деб топиш ва бошқа ҳолатлар ҳужжат ишлаб чиқувчиси томонидан Банк Бошқарувининг 2019 йил 25 декабрдаги 117-сонли баённомаси билан тасдиқланган ““Ориент Финанс” ХАТБда ҳужжатлар юритиш тартиботи”га мувофиқ амалга оширилади.

---

*матн якуни*

*“Ориент Финанс” ХАТБда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услугибетига  
1-илова*

**Коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш бўйича мезонлар\***

<b>Коррупциявий хавф-хатар даражаси</b>	<b>Мезонлар</b>
<b>Юқори**</b>	Банкнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) автоматлаштирилмаган
	Банкнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) тартибга солилмаган
	назоратсиз тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	Банкнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда бир шахс иштирок этиши
	Банкнинг фаолиятини (вазифа ва функцияси) бажаришда коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилган (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланган)
<b>Ўрта**</b>	Банкнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман автоматлаштирилган
	Банкнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман тартибга солинган
	назорат тартибида иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	Банкнинг фаолиятини (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда иккита шахс иштирок этиши
	Банкнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) бажаришда коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланмаган)
<b>Паст***</b>	Банкнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ автоматлаштирилган
	Банкнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ тартибга солинган
	жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд эмас
	Банкнинг фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда уч ва ундан ортиқ шахс иштирок этиши
	коррупциявий хатти-ҳаракат ва коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд эмас

\*Ушбу мезонлар рўйхати тўлиқ эмас бўлиб, Банкнинг фаолиятидаги (вазифа ва функциясида) аниқланган коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш, илғор дунё тажрибасидан келиб чиқиб, бошқа мезонлар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

\*\*Махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) томонидан Банкнинг фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган хавф-хатарнинг юқори ёки ўрта даражада деб баҳолаш Банкнинг раҳбарияти билан келишган ҳолда амалга оширилади.

\*\*\*Банкнинг фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашда, агарда паст даражадаги мезонларнинг бири мавжуд бўлса, ўша коррупциявий хавф-хатар даражаси паст даражада деб баҳоланади.

*“Ориент Финанс” ХАТБда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиётига  
2-илова*

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
“Ориент Финанс” ХАТБ \_\_\_\_\_

" \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ " 20\_\_ йил

**“Ориент Финанс” ХАТБнинг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларнинг  
ХАРИТАСИ**

Т/р	Коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи	Коррупциявий хавф-хатарнинг даражаси (паст, ўрта, юқори)	Функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим	Функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизм	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси (паст, ўрта, юқори)	Масъул ижрочилар
1.	<i>Таркибий бўлинманинг номи:</i>						
1.	<i>Таркибий бўлинманинг функцияси номи (бизнес ёки операцион жараённинг номи):</i>						
2.	<i>Таркибий бўлинманинг функцияси номи (бизнес ёки операцион жараённинг номи):</i>						
...	<i>Таркибий бўлинманинг функцияси номи (бизнес ёки операцион жараённинг номи):</i>						

*“Ориент Финанс” ХАТБда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиётига  
3-илова*

**“Ориент Финанс” Хусусий акциядорлик тижорат банкининг  
коррупцияни олдини олиш бўйича 20\_\_\_\_ йилга мўлжалланган  
ДАСТУРИ (МАҚСАДЛАРИ)**

<b>№</b>	<b>Чора-тадбирлар</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
1				
2				